

БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА БИОЛОГИК АКТИВЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Антимбетов Амирбек Қошибекович
Alfraganus university доценти, PhD, доцент

Аннотация. Ушбу мақолада балиқчилик хўжаликларида биологик активларни инвентаризация қилишнинг ташкилий масалалари ўрганилган. Хусусан, тўла тизимли ҳовуз балиқчилиги хўжаликларида маҳсулдор балиқлар ва балиқларнинг ота -оналик тўдаси бир йилда икки марта (баҳорда ва кузда) ва балиқчиликда биологик активларни инвентаризация қилиш далолатномаси тавсия қилинган.

Калит сўзлар: балиқчилик, инвентаризация, расмийлаштириш, баҳорги инвентаризация, кузги инвентаризация, моддий жавобгар шахс.

Аннотация. В данной статье изучены организационные вопросы инвентаризации биологических активов в рыбководческих хозяйствах. В частности, в полноцикловых прудовых рыбководческих хозяйствах продуктивные рыбы и племенное стадо инвентаризируются два раза в год (весной и осенью), а также рекомендован акт инвентаризации биологических активов в рыбководстве.

Ключевые слова: рыбководство, инвентаризация, оформление, весенняя инвентаризация, осенняя инвентаризация, материально ответственное лицо.

Annotation. In this article, the organizational issues of inventorying biological assets in fish farming enterprises are examined. In particular, in full-cycle pond fish farms, productive fish and broodstock are inventoried twice a year (in spring and autumn), and an inventory report form for biological assets in fish farming is recommended.

Keywords: fish farming, inventory, documentation, spring inventory, autumn inventory, materially responsible person.

Кириш. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига кўра, ҳар бир балиқчилик хўжалиги бир йилда камида товар моддий қийматликларга тўрт марта мажбурий тарзда инвентаризация ўтказишни амалга ошириши лозим. Инвентаризация балиқчилик хўжаликларида ички назорат тизимини такомиллаштириш ва молиявий ҳисоботининг ишончилигини оширишда муҳим бошқарув воситаси сифатида катта аҳамият касб этади.

Балиқчилик соҳасида инвентаризация жараёни умумий қоидалар билан тартибга солинган бўлса-да, балиқ маҳсулотларини ҳисоблаш, озуқа захираларини баҳолаш, маҳсулотнинг қайта ишлаш босқичларидаги йўқотишларни аниқлаш махсус усулларни талаб қилади.

Шу боис мазкур масаланинг тадқиқ этилиши балиқчилик хўжаликларида инвентаризация ўтказишнинг назарий асосларини

ривожлантириш, ички назоратни таъминлаш ва амалиётда ҳисоб-китобларнинг аниқлиги ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Тадқиқот мавзуси доирасида хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олим С.Г.Голубеванинг фикрича «Инвентаризация – бухгалтерия объектининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш ва баҳолашга имкон берувчи иқтисодий назорат усули (аудитда — процедура) ҳисобланади. У тақдим этилган натижаларнинг аниқлиги ва ишончилиги жиҳатидан деярли алмаштирилмайдиган усул бўлса-да, жуда меҳнатталаб жараён саналади. Ушбу усул бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратни ташкил этишда кенг қўлланилади»[2].

А.И.Кибиткин «Инвентаризация – бухгалтерия ҳисоби усулининг муҳим элементи сифатида моддий бойликлар, пул маблағлари ва молиявий мажбуриятларнинг табиий ҳолдаги мавжудлигини текшириш орқали уларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш имконини беради. У бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ҳаққонийлигини тасдиқлайди ёки ҳисобда акс эттирилмаган активлар, йўқотишлар, камомад ва ўғрилиқ ҳолатларини аниқлаб беради. Шу билан бирга, инвентаризация моддий бойликлар ҳамда пул маблағлари сақланишини назорат қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўлиқлиги ва ишончилигини баҳолашда муҳим ахборот манбаи вазифасини бажаради»[3] деб изоҳлаган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олими Б.Ю.Менгликулов «Ўстиришдаги ҳайвонларни инвентаризация қилиш тартиби ва даврийлиги, инвентаризация натижаларини ҳисобда аксэтирилишини текшириш. Инвентаризация маълумотларини қалбакилаштиришга имкон бермайдиган қоидаларга амал қилган ҳолда, белгиланган муддатларда ўтказилганлигини аниқлаш зарур. Бу мақсадда аудитор ўстиришдаги ҳайвонлар инвентаризациясида иштирокэтиши зарур. Аудиторнинг ҳаракатига қўйилган талаблар 19-сон «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС)да баён қилинган. Аудитор инвентаризация натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри ва тўлиқ акс эттирилишини назорат қилиши, шунингдек улар корхона раҳбарияти томонидан таҳлил қилиниши, камомад аниқланган ҳолатларда тегишли чоралар кўрилишини аниқлаштирилиши зарур. Олинган далиллар аудиторга активларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва уларнинг ҳисоб ва ҳисоботда тўлиқ акс эттирилишини тасдиқлаш учун моҳияти бўйича аудиторлик текшируви ўтказишда зарур бўлади» деб тақидлаган[5].

Р.О.Холбековнинг фикрича «Инвентаризация – корхона маблағларини текшириб, рўйхатга олиш ва олинган маълумотларни ҳисоб маълумотлари билан таққослаш демакдир. Ёки инвентаризация хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари, хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларига асосан қайта рўйхатдан ўтказишдир[6].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида аввало умумий методологик асос сифатида диалектика; шунингдек, илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракциялаш, қиёслаш каби умумилмий назарий тадқиқот методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби методологиясининг муҳим элементи ва ички назоратнинг таъсирчан дастаги ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-404-сон «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (*кейинги ўринларда - 404-сон ЎРҚ*), 19 - сонли «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган, № 833, 2.11.1999 й.) (*кейинги ўринларда - 19-сон БХМС*) ва бошқа тегишли норматив ҳужжатлар ҳамда услубий тавсиялар қоидалари асосида ташкил этилади ҳамда ўтказилади.

Хусусан, 404-сон ЎРҚнинг «Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш» номли 16-моддасига мувофиқ: «Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади»[1]. Лекин, ҳозирги вақтда балиқчилик корхоналари амалиётида активлар (хусусан, биологик активлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш) ва мажбуриятлар ҳамда балиқ маҳсулотлари инвентаризация қилинмаяпти. Яъни, 404-сон ЎРҚнинг 16-моддаси, 19-сонли «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли БХМС талаблари бажарилмаяпти. Натижада, ушбу ҳисоб объектлари бўйича инвентаризация маълумотлари билан тасдиқланмаган ва ишончлилиги кафолатланмаган бухгалтерия баланси тузилмоқда. Бунинг оқибатида молиявий ҳисоботдан ташқи фойдаланувчилар ҳам, ички фойдаланувчилар ҳам нотўғри бошқарув қарорлари тайёрламоқда ва уларнинг ижроси самарасиз бўлмоқда. Бу вазият балиқчилик хўжаликларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инвентаризацияни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш тартиби ишлаб чиқишишни тақазо этмоқда.

Фикримизча, талабларнинг ҳозирги вақтда балиқчилик хўжаликларида бажарилмаётганлигининг асосан иккита сабаби мавжуд. *Биринчиси*, қонун ижросининг етарли даражада мониторинг қилинмаслиги, *иккинчиси*, инвентаризация ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш бўйича бу тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи норматив ҳужжат ва услубий тавсия ларнинг йўқлиги. Шу боис, 19-сонли «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли БХМСни балиқчилик тармоғининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта таҳрирлаш ёки алоҳида услубий тавсиялар ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, уларда ҳовуз балиқчилиги хусусиятлари (тўла тизимли, тўлиқсиз тизимли, поликультура, монокультура ва ҳ.лар) келиб чиқиб, намунавий «Инвентаризация режаси»

ишлаб чиқишни таклиф қиламиз. Тўла тизимли ҳовуз балиқчилиги хўжаликларида маҳсулдор балиқлар ва балиқларнинг ота -оналик тўдаси бир йилда **икки марта** (баҳорда ва кузда) инвентаризация қилиш тавсия этамиз.

Баҳорги инвентаризация ҳовузлардаги балиқлар тўлиқ овланиб, маҳсулдор балиқлар ва балиқларнинг ота-оналик тўдаси оналик ва урчитиш ҳовузларига ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

Кузги инвентаризация қишлатишдан олдин оналик ва урчитиш ҳовузлари тўлиқ овланиб, қишлатиладиган ҳовузларга ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

Фикримизча, балиқчиликда биологик активлар, тайёр балиқ маҳсулотлари ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентаризация қилиш, яъни ҳовузларда боқилаётган балиқларни инвентаризация қилиш ҳисоб гуруҳлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ:

а) энг кам қолдиқ қолган вақтларда (перманент инвентаризация) ёки

б) балиқларни боқиш муддати якунланиб, бошқа ҳовузларга ўтказиш вақтида.

Балиқчилик хўжаликларида тугалланмаган ишлаб чиқаришни биологик активларнинг ҳар бир биотрансформацияланиш жараёни: маҳсулдор ва ота-оналик балиқлар тўдаси, личинкалар, чавоқлар, сеголеткалар, бир йиллик, икки йиллик балиқлар, уч йиллик (**агар технологияга мувофиқ уч йиллик оборот бўлса*) балиқлар, сотиш учун қолдирилган ҳамда овланиб омборларда сақланаётган балиқлар бўйича инвентаризация қилиш мақсадга мувофиқ.

Баҳорги инвентаризация қишлатилган балиқлар тўлиқ овланиб, маҳсулдор ва ота – оналик тўда урчитиш ва ўстириш ҳовузларига кўчирилганидан сўнг амалга оширилади.

Кузги инвентаризация эса ўстириш ҳовузлари тўлиқ овланиб, маҳсулдор ва ота – оналик тўда қишлатиладиган ҳовузларга кўчирилганидан сўнг амалга оширилади.

Инвентаризация ўтказиш муддатлари «Хужжатлар айланиш режа-графи»га мувофиқ белгиланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, амалиётда инвентаризация натижаларини расмийлаштириш учун махсус хужжат шакли мавжуд эмас, 19-сон БҲМСда ҳам тавсия этилмаган. Шу боис, «Инвентаризация Қайдномаси»ни тавсия этамиз ва уни расмийлаштириш ҳовузлардаги балиқларни овлаш вақтида амалга оширилади.

Ушбу қайднома балиқчилик хўжалигининг ҳисоб сиёсатига мувофиқ ташкил этилган доимий фаолият кўрсатувчи комиссия томонидан тузилиб, раҳбар томонидан тасдиқланади.

Қайдноманинг тегишли графаларида балиқларнинг тури, зот гуруҳи, ёши ва жинси, ҳавза қўйилган ва овлаб олинган балиқлар миқдори, ўртача вазни, комиссия қарорига мувофиқ балиқларни ишлатиш йўналишлари (хўжаликда қолдирилгани, маҳсулдор материал сифатида сотилгани, брак

қилингани ва ҳ.к.) ва ҳисоб-китоб кўрсаткичлари – сони ва оғирлиги, вазнининг ўзгариши (қўшилган ёки йўқотилган вазн). Шунингдек, балиқларнинг дефектлари, жароҳатланганлиги ва касалланганлиги текширилади.

Балиқларни текшириш ихтиопатолог иштирокида амалга оширилиб, балиқларнинг клиник ҳолати аниқланади, уларда паразитлар ва юқумли касалликлар бор-йўқлиги аниқланади ва истеъмолга яроқлилиги ёки тавсия этиладиган профилактика усуллари ҳамда даволаш тадбирлари тўғрисида хулоса берилади. Қайднома белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилганидан сўнг хўжалик раҳбари томонидан имзоланади ва бухгалтерияга топширилади.

Инвентаризация натижалари бўйича тегишли бошланғич ҳужжатлар расмийлаштирилади: инвентаризация рўйхатлари ёки инвентаризация далолатномалари, таққослаш қайдномалари. Инвентаризация натижалари тегишли норматив ҳужжатларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ва солиққа тортилади.

Хулоса. Балиқчилик хўжаликларида биологик активларни инвентаризация қилишнинг ташкилий масалалари мавзусида олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Инвентаризация натижаларини расмийлаштириш бўйича балиқчилик тармоғининг хусусиятларига мос бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг намунавий шакли тавсия қилинди.

2. Тўла тизимли ҳовуз балиқчилиги хўжаликларида маҳсулдор балиқлар ва балиқларнинг ота -оналик тўдаси бир йилда икки марта (баҳорда ва кузда) инвентаризация қилиш тавсия этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-404-сон Қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», <https://lex.uz/mact/2931253>

2. Голубева.С.Г. Организация внутреннего контроля на предприятии / С.Г.Голубева // Леденцовские чтения. Бизнес. Наука. Образование: материалы III международной научно-практической конференции: в 2 частях. Вологодский институт бизнеса; под редакцией д.э.н., проф. Ю. А. Дмитриева. – 2013. – С. 391–398.

3. Кибиткин.А.И. Учет и анализ в коммерческой организации: учебное пособие / А. И. Кибиткин и др. М.: Издательский дом Академии естествознания, 2012. - 368 с.

4. Кованная.Н. Инвентаризация: зачем и как ее проводят [Электронный ресурс]. <https://www.auditit.ru/articles/account/buhconcret/a65/1022584.html>.

5. Менгликулов.Б. Совершенствование организационно-методических аспектов учета и аудита сельскохозяйственных животных //Экономика и инновационные технологии. – 2018. – №. 4. – С. 162-172.